


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қорақалпоғистон Республикаси
“Минтақавий йўлларга буюртмачи
хизмати” ДУК директори в.в.б

Б.Балтабаев



2022 йил “14” июнь

Нукус шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқ ва 16-сонли йиғилиш баёнига ва Президент Администрациясининг 2022 йил 7 мартдаги №02-РА 1-3163-сонли топшириғига асосан, Республика бюджети маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасидаги ички йўллари тўла ва жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш бўйича режалаштирилган объектларини гул қурилишида лаборатория хулосалари ва синов баённомалари учун бажарувчи ташкилотларнинг таклифларини танлаб олиш бўйича ўтказилган харид комиссиясининг **408-сонли йиғилиш**

БАЁННОМАСИ

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУКнинг 2022 йил 01 мартдаги 16-сонли буйруғи асосида тасдиқланган харид комиссия аъзолари қуйидаги таркибда қатнашдилар:

Харид комиссияси раиси:

Б.Балтабаев

-Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК директори в.в.б;

Харид комиссияси аъзолари:

Р.Саркытбаев

-Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” директор ўринбосари;

Т.Жанабаев

-Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК Лойиха таъминоти бўлими бошлиғи;

А.Нуржанов

-Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК бош ҳисобчиси;

Дж.Жожабаев

-Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК Техник кузатиш ва бажарилган ишларни қабул қилиш бўлими бошлиғи;

Комиссия котиби;

И.Мамбетов

-Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК Тендерларни ташкил этиш ва шартномалар бўлими бошлиғи

Кун тартибида

I. Кун тартибидаги масала юзасидан - Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУКнинг директори в.в.б- комиссия раиси Б.Балтабаев Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги Давлат харидлар тўғрисидаги 684-сонли Қонунинг 58 моддасига асосан танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари давлат

буюртмачиси томонидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида беш иш куни Чимбой тумани "Дослык" МФЙ Пушкин, Алпысбаев, Наурыз, Дослык кучаларини 4,207 км кисмини жорий таъмирлаш ишларининг лаборатория хулосалари ва синов баённомалари олиш учун махсус ахборот портали орқали 22110012097537 лот билан давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилди. Ушбу Қонун талабларига биноан Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йилда жорий, тўла таъмирланиши ва куриш режалаштирилган ички йул ва кўприклардаги объектларининг йул қурилишида лаборатория хулосалари ва синов баённомалари учун бажарувчи ташкилотларининг энг яхши таклифларини белгиланган тартибда танланди ва бошқачеш қандай шикоят келиб тусмади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлар тўғрисидаги Қонун ва юқорида кўрсатилган маълумотларди ҳисобга олиб Харид комиссияси





Қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУКнинг режалаштирилган объектларининг йул қурилишида лаборатория хулосалари ва синов баённомалари учун танлаш ҳужжатларида ва танлаш шартлари буйича энг яхши таклифни такдим қилган **ООО NUKUS YO'L SINOV SERVIS** бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилсин.


2. Танлаш орқали ғолиб булган ташкилот танлаш шартлари асосида шартнома тузишни рад этган тақдирда шартнома тузиш ҳуқуқи таклифи буйича энг яхши бўлган кейинги иштирокчига (резерв) берилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, энг яхши таклифлар танлаш ғолиби бўлган ташкилотлар ўз таклифларида кўрсатилган нархларда объектларнинг йул қурилишида лаборатория хулосалари ва синов баённомалари ҳужжатларини сифатли тартибда таёрланишига масъул бўлган холда объектларни бошланғич нархларини жорий нархларда шакллантириш вазифаси ғолиб зиммасига юклатилсин. Танлаш ўтказиш буйича талабгорлар энг яхши таклифларини кўриб чиқиш ҳақидаги йиғилиш баёни давлат хариди комиссияси аъзолари томонидан очик ҳал қилинди ва тўғри тузилган деб тан олинди.

Хариди комиссияси аъзолари:


_____ Р.Саркытбаев

_____ Т.Жанабаев

_____ А.Нуржанов

_____ Дж.Жожабаев

Комиссия котиби;


_____ И.Мамбетов

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ №252
(лаборатория хизматлари тўғрисида)

“14” июнь 2022 йил

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи “Қорақолпоғистон Республикаси минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК номидан Низом асосида иш юритувчи директор Б.Балтабаев ва бундан буён “Бажарувчи” деб юритиладиган "NUKUS YO'L SINOV SERVIS" МЧЖ номидан устав асосида иш кўрадиган директори С.А.Алламова орқали қуйидаги шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Чимбой тумани "Дослык" МФЙ Пушкин, Алтысбаев, Наурыз, Дослык кучаларини 4,207 км қисмини жорий тамирлаш ишларининг лаборатория хулосалари ва синов баённомалари бериши.

(иш, топшириқ, буюртма ва хизматлар)

1.2. Бажарувчи юкоридагиларга асосан қурилиш материалларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган меъёрий ҳужжат ва стандартлар талабларига мослигини: кум аралашма ишларининг, асфальто-бетон ва цементобетон ётқизишлари ва тупроқ ишлари лойихавий параметр талаблариги мослигини (йўл асосининг эни, калинлиги ва узунлигини), битум ва донодарлик таркиби мослигини урганади. Йўлларнинг қурилиш ишлари якунигача техник талабларига асосан кузатиб боради, ҳамда маълумотномалар, синов баённомалар ва хулосалар беради.

1.3. Шартнома бўйича хизматларни (ишларни) бажариш муддатлари: форма-3 шаклидаги ҳисоб фактура расмийлаштирилган кундан 3 (уч) кун ичида Бажарувчи хулосаларни тақдим этиши шарт.

2. ИШЛАР (ХИЗМАТЛАР) ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилган ишлар (хизматлар) учун тўловлар “Бажарувчи”нинг амалдаги смета ва калькуляцияларига келишув асосида 6 055 000 (олти миллион эллик беш минг) сум ККСсиз сўмни ташкил қилади.

2.2. Шартнома имзоланган кундан мазкур сумманинг 30% 1 816 500 (бир миллион саккиз юз он олти минг беш юз)сўм аванс тартибида қолган 70 % 4 238 500 (торт миллион йкки юз оттиз саккиз минг беш юз) сўм иш бажарилгандан сўнг тақдим этилган ҳисоб- фактураларга асосан 5 кун мобайнида тўлайди. Тўлов пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

2.3. “Буюртмачи”нинг айби билан хизматни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

2.4. Улчов натижалари меъёрий ҳужжат ва стандартлар талабларига мувофик ёки номувофиклигидан катий назар бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» туловни тулаши шарт.

3. ИШЛАР (ХИЗМАТЛАР)НИ ТОПШИРИҚ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Бажарувчи ушбу шартноманинг 1.1 – бандида назарда тутилган хизматларни (ишларни) шахсан ўзи ва бошка мутахассиларни жалб этиши, қурилиш материаллари сақланадиган жойларга боришни (лаборатория манзилидан 30 кмдан узок булмаган ҳолда) ҳамда намуларни олишни таъминлаши лозим.

3.2. Ишлар бажарилгандан сўнг “Бажарувчи” “Буюртмачи”га бажарилган ишлар (хизматлар)ни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этиб, унга ҳисобот ҳужжатларини илова қилади.

3.3. Иш (хизмат)лар натижаларидан қониқмаган “Буюртмачи” далолатномани олган пайтдан бошлаб 10 кун ичида “Бажарувчи”га ишларни қабул қилишдан бош тортиш тўғрисида асослантирилган ёзма раднома юбориши шарт.

3.4. “Буюртмачи”нинг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома тузадилар ва унда қўшимча бажарилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатадилар.

3.5. Ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда “Буюртмачи” бу ҳақда “Бажарувчи”ни хабардор қилиш ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

4.1 Буюртмачи туловларни уз вақтида амалга оширмаган тақдирда хар бир кечиктирилган кун учун 0,4% пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 50 фоизидан ошмасилиги лозим.

4.2. Бажарувчи томнидан белгиланган муддатда хулосалар тақдим этилмаган тақдирда, хар бир кечиктирилган кун учун 0,4% пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 50 фоизидан ошмасилиги лозим.

4.3. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида ва ўзга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

4.2. Агар томонлар ўзаро битимга кела олишмаса, улар орасидаги барча Низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Нукус туманлар аро иқтисодий судида хал қилинади.

5. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

5.1. Ушбу шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

5.2. Шарномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

5.3. “Буюртмачи” хизматларнинг белгиланган баҳосини тўлиқ тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли. Шартнома “Бажарувчи”нинг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

5.4. “Бажарувчи” ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли “Буюртмачи”га етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома “Буюртмачи”нинг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

5.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

5.6. Махсус шартлар: Бозор иқтисодиёти муносабати билан нархлар ўзгариши мумкин.

5.7. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил «14» июнь 2022 йил «31» декабргача белгиланади.

5.8. Шартномага иловалар: _____

ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

“БАЖАРУВЧИ”

"NUKUS YO'L SINOV SERVIS" МЧЖ

Манзил: ҚР, Нукус ш, Қизкеткен посёлкаси,
Промзона, рақамсиз уй

Тел: +998 97-364-12-12

Х/р: 2020 8000 1054 0035 1001, АТИБ «Ипотека
банк» ҚР филиали МФО: 00621

ИНН: 308 560 904

Директор  С.А.Алламова



“БУЮРТМАЧИ”

**Қорақолпоғистон Республикаси “Минтақавий
йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК**

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй
ш/х: 304521860354017045129118367

ИНН 207255036 ОКЭД: 71120


Молия Вазирлиги газначилиги

Р/с қазн: 23402000300100001010

Марказий банк Тош.ент ш МФО 00014

ИНН 201122919

Директор ВВБ  Б.Балтабаев



  У. Раимова